

Шаржада халқаро китоб кўргазмаси очилади



09:37 / 23.10.2018 3395

Шу йилнинг 31 октябрида катталиги бўйича дунёда учинчи ўринни эгаллаган Шаржа халқаро китоб кўргазмаси ўз ишини бошлайди. 37-маротаба ўтказилаётган ушбу кўргазмада 472 та меҳмон иштирок этиши ва 1800 та тадбир ўтказилиши режалаштирилмоқда. Бу ҳақда The National нашри хабар берди.

Хабарда айтилишича, кўргазмада дунёнинг 77 та мамлакатидан 1874 та нашриёт томонидан 80 000 номдаги китоблар тақдим этилади.

Бу йил кўргазмада 12 мамлакат, шу жумладан Аргентина, Гана, Перу ва Жанубий Корея илк бор иштирок этади. Япония кўргазманинг фахрий меҳмони ҳисобланади.

Кўргазма ўз ишини 10 ноябрда якунлайди.

